

Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш

6-маъруза

# Коммунал хўжаликда сувдан фойдаланиш

Маматов Собитжон Алижонович,  
“Экология ва сув ресурсларини бошқариш”  
кафедраси катта ўқитувчиси

# Дарс режаси

1. Коммунал хўжаликда сувдан фойдаланиш.
2. Коммунал хўжаликда сувнинг сифатига талаблар.
3. Коммунал хўжаликни атроф-муҳит муҳитига таъсирлари.
4. Коммунал хўжаликда сув муҳофазаси тадбирлари – чиқит сувларни тозалаш ва қайта ишлатиш маслалари

# **Иқтисодиёт соҳаларининг сувга бўлган талаблари ва уларни мувофиқлаштириш**

- ✓ Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаси манбадаги сувнинг микдори, сифати, режими ва сув оқимининг таъминланганлик даражасига ўз манфаатидан келиб чиқиб ўзига хос талаблар қўяди.
- ✓ Мазкур талаблар давлатнинг маҳсус стандартлари, меъёрий ҳужжатлари воситасида тартибга солинади, мувофиқлаштирилади ва меъёрий тартиб-қоида сифатида ҳужжатлаштирилиб умум фойдаланиш учун ягона тартиб сифатида қабул қилинади.
- ✓ Одатда бу ҳужжатларда келтирилган тартиб қоидалар барча соҳалар истеъмолчилари учун мажбурий саналади ва унга барча соҳалар бирдек амал қиласди.

# **Иқтисодиёт соҳаларини сув ресурсларининг таъминланганлик даражасига бўлган талаблари**

Иқтисодиёт соҳалари ўзлари фойдаланадиган сув ресурсларини маълум таъминланганлик даражасини талаб қиладилар.

Иқтисодиёт соҳалари	Таъминланганлик даражаси, %
Коммунал-рўзғор хўжалиги	95
Саноат (озик-овқат саноати)	95
Иссиқлиқ энергетикаси	95
Чорвачилик	95
Соғликини сақлаш	95
Суғорма дехқончилик	90
Сув энергетикаси	75

Ҳар бир соҳа сувнинг сифатига ҳам ўзига хос талаблар қўяди.

## **Коммунал хўжаликда сув истеъмолчиси**

- ✓ Коммунал хўжалик муҳимлиги бўйича иқтисодиёт соҳалари ўртасида биринчи ўринда туради.
- ✓ Коммунал хўжалик таркибига аҳоли пунктидаги барча турар-жой бинолари, маъмурий, маъиший, таълим, тиббий, маданий ва дам олиш обеъктлари - муассаса ва ташкилотларини киритиш мумкин.
- ✓ Коммунал хўжалик сув хўжалиги мажмуасининг **сув истеъмолчилари** гуруҳига киради.
- ✓ Сув билан таъминлаш устиворлиги бўйича иқтисодиёт соҳаларининг биринчи тоифасига киради ва сув билан **биринчи навбатда** таъминланади.

# **Коммунал хўжаликда сувдан фойдаланиш**

✓ Коммунал хўжаликда сув:

- инсонларнинг ичиши, хўжалик эҳтиёжлари;
- уй ҳайвонларига сув бериш;
- ҳовлиларга сув сепиш, дараҳт ва гулзорларни сүғориш;
- аҳоли пунктидаги барча (маъмурий, маориф, тиббий, маданий, спорт, дам олиш) муассаса ва ташкилотларни сув билан таъминлаш;
- санитар ҳолатни таъминлаш (канализация);
- ўт ўчириш мақсадларида ишлатилади.

# **Коммунал хўжаликда сув истеъмоли меъёрлари**

Коммунал хўжаликда истеъмол қилинадиган сувнинг меъёри аҳоли пунктларидаги бинолар ободонлаштирилганлик даражаси асосида белгиланади.

Аҳоли пунктлари учун мўлжалланган сув истеъмоли меъёрлари **ШНҚ 2.04.02 – 2019** да келтирилган.

- шаҳар жойларида ҳар бир кишига суткасига 230-250 л;
- қишлоқ аҳоли пунктларида 150 - 200 л/сут (агар колонкалар ташқарида бўлса 50 л/сут).

# **Коммунал хўжаликда сув истеъмоли миқдорини аниқлаш**

Коммунал хўжаликда истеъмол қилинадиган қилинадиган сувнинг миқдори аҳоли пунктидаги истеъмолчилар сонини сув истеъмолимеъёрига кўпайтириш орқали аниқланади.

Коммунал хўжаликда сув истеъмоли ҳажми:

$$W = \frac{N * q * 365}{1000}$$

тengлик асосида аниқланади.

бу ерда  $N$  – сув истеъмолчилари сони, киши;

$q$  – суткалик сув истеъмоли меъёри, л/с;

365 – бир йилдаги суткалар сони, сутка.

# Ичимлик сувнинг сифатига талаблар

- ✓ Ичимлик суви деб давлат стандартлари, Ўзбекистон шароитида - O'zDst 950:2011 талабларига мос келадиган сувга айтилади.
- ✓ Дунёning барча мамлакатларида ўз стандартлари мавуд, агар бўлмаса, у ерда ЖССТ стандартларига амал қилинади.
- ✓ Сувнинг сифати:
  - физик (ҳарорат, тиниқлик, ранглилик, ҳид, таъм),
  - кимёвий (кислоталилик, қаттиқлик, қуруқ қолдик, органик бирикмалар, биоген элементлар, металлар ионлари),
  - бактериологик (ичак таёқчалар, коли-титр) кўрсаткичлар бўйича меъёрлаштирилади.

# **Ичимлик суви сифатига талаблар**

Ўзбекистон Республикаси шароитида сув манбасини хўжалик-ичимлик мақсадлари учун яроқлилиги Ўзбекистон Республикасининг O'zDSt 951:2011 “Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш манбалари” “Гигиеник, техникавий талаблар ва танлаш қоидалари” давлат стандарти талаблари асосида аниқланади.

Коммунал хўжаликда ишлатиладиган сувнинг сифати Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O'zDSt 950-2011 “Ичимлик сув. Гигиеник талаблар ва сифат назорати” талаблари доирасида бўлиши талаб қилинади.

# **Сув манбасининг хўжалик-ичимлик мақсадлари учун яроқлилигини аниқлаш**

Сувнинг таркибида:

- **қаттиқ қолдик** **1000 мг/дм<sup>3</sup>**, санитар эпидемиологик хизмат органлари рухсати билан **1500 мг/дм<sup>3</sup>**гача рухсат берилиши мумкин;
- **хлоридлар** **250 мг/дм<sup>3</sup>** (**350 мг/дм<sup>3</sup>**гача рухсат берилиши мумкин);
- **сульфатлар** **400 мг/дм<sup>3</sup>** (**500 мг/дм<sup>3</sup>**гача рухсат берилиши мумкин);
- **умумий қаттиқлик** **7 мг экв/дм<sup>3</sup>** дан (**10 мг экв/дм<sup>3</sup>**гача рухсат берилиши мумкин) баланд бўлмаслиги лозим.

**Давлат стандарти O'zDSt 950-2011 талабларига кўра ичимлик сувининг таркибидаги органолептик ва бактериологик кўрсаткичларнинг меъёrlари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Меъёри</b>
<b>Хиди</b> (20°C ҳароратдаги сувни 60°C гача иситилганда)	2 балл
<b>Таъми</b> (20°C ҳароратдаги)	2 балл
<b>Ранги</b> (платина-кобальт ёки ўхшатиш даражаси бўйича)	20 градус
<b>Лойқалиги</b> (стандарт шкала бўйича)	1,5 мг/л
<b>Бактерияларнинг умумий сони</b> (аралаштирилмаган 1 мл сувдаги)	100
Ичак таёқчалари гуруҳи бактерияларининг 1 л сувдаги сони (коли-индекс)	3
<b>Коли-титр</b> суюк муҳитда тўпланиш усули бўйича	300 мл

# **Коммунал хўжаликдан чиқит сувлар миқдори ва сифати**

Коммунал хўжаликда сувдан фойдаланиш жараёнида **оқавага чиқриладиган сувлар меъёри** ҳар бир киши учун **сув истеъмоли меъёрининг 80 %** ига тенг деб қабул қилинади.

## **Коммунал хўжалик оқава сувлари таркибидаги ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори**

Ифлослантирувчи асосий компонентлар	1 киши учун меъёр, г / сут
Сузиб юрувчи заррачалар (лойқа)	30 - 65
Азот-аммоний бирикмаси	7 - 8
Озик-овқатдаги хлоридлар	< 10
Фосфатлар	8 - 9
Қаттиқ қолдиқ	23 - 27
Кислородга бўлган биокимёвий эҳтиёж	30 - 75
Сузиб юрувчи фаол моддалар	2-5

# Коммунал хўжаликини атроф мұҳитга таъсирлари

- Коммунал хўжаликда сув истемол қилиш меъёрини камайтириш масаласи вазифа сифатида кўрилмайди.
- Коммунал хўжаликда истемол қилинадиган ва оқавага чиқариладиган сувлар сув манбасидаги сувнинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.
- Сув манбасидан (ер усти ёки ер ости) катта микдорда сув олиниши манбадаги сувнинг микдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.
- Ифлосланган оқава сувларни тўлик тозаламасдан сув манбасига ташланиши ундаги сувни сифатига салбий таъсир кўрсатади.

# **Коммунал хўжалик чиқит сувларини тозалаш**

- Аҳоли пунктларини канализация ва чиқит сувларни тозалаш иншоотлари билан таъминланганлик даражаси 20 % га яқин.
- Тозлаш иншоотларида чиқит сувларни тозалашнинг ҳозирги кундаги ҳолати жуда паст даражада.
- Шаҳар ва қишлоқларни канализация тизимлари ва чиқит сувларни тозалаш иншоотлари билан жихозланишини кучайтириш лозим.
- Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш орқали чиқит сувларнинг сифатини рухсат этилган даражада бўлишини таъминлаш мумкин.

# **Чиқит сувларни тозалаш.**

## **Механик тозалаш**

- ✓ Механик тозалаш үсули одатда чиқит сувларни тозалашнинг дастлабки босқичи сифатида қўлланади.
- ✓ У чиқит сувлардаги 60-65% сузиг юрувчи моддаларни ушлаб қолиш имконини беради.
- ✓ Механик тозалаш үсули қўлланилганда сув таркибидаги эримайдиган моддалар (ғалвирлаш, тиндириш ва филтрлаш асосида) ушлаб қолинади.
- ✓ Механик тозалаш үсулининг вазифаси чиқит сувларни физик-кимёвий ва биологик тозалашга тайёрлашдан иборат.
- ✓ Механик тозалаш осон ва арzon тозалаш үсули, шунинг учун уни кенг қўлланади.

# Механик тозалаш

- ✓ Йирик ифлослик ва сузиб юрувчи моддаларни ушлаб қолиш учун оқава сувлар турли түр ва панжаралардан **тозалаб** үтказилади.
- ✓ Оқва сув таркибидаги сузиб юрувчи моддаларни ушлаб қолиш учун **тиндиргичлардан** фойдаланилади. Бунда зарралар чўкиб сув тозаланади.



# Механик тозалаш

- ✓ **Фильтрлаш жараёни сув таркибидаги майда зарраларни тутиб қолиш үчүн қўлланилади.**
- ✓ Бу жараёнда зарралараро ғовакликка эга бўлган материаллар (қум) қўлланилади.
- ✓ Уларнинг ғовакларида чиқит сув таркибидаги зарралар тутиб қолинади.
- ✓ **Сувни тиниклаштириш** чиқит сувларни тозалашнинг усулларидан саналади.
- ✓ Механик тозалаш чиқит сувларни тозалашнинг биринчи босқичи сифатида хизмат қилади.



# Биологик тозалаш

- ✓ **Биологик тозалаш усули** – чиқит сувларда юпқа суспензия, коллоидлар кўринишида мавжуд ва микроорганизмлар учун озуқа манбаси бўлган органик моддаларни парчаловчи ва қайта тикловчи микроорганизмларнинг ҳаёт-фаолиятига асосланган.
- ✓ Микроорганизмларнинг фаолияти натижасида оқава сувларни тозаланиши амалга ошади.
- ✓ Биологик тозалаш иншоотлари асосан икки турга бўлинади:
  - ✓ тозалаш жараёни табиийга яқин шароитларда кечадиган иншоотлар;
  - ✓ тозалаш жараёни сунъий яратилган шароитларда кечадиган иншоотлар.



# Биологик тозалаш

- ✓ Биринчи турдаги иншоотларга тозаланаётган чиқит сувларни грунт қатлами орқали филтрланиб ўтадиган (суғориш майдонлари ва фильтрлаш майдонлари) ва сув оқими мавжуд сув хавзалари (биологик кўллар) кўринишидаги иншоотлар киради.
- ✓ Иккинчи турдаги иншоотларда микроорганизмлар кислородни асосан сув юзаси орқали аэрация йўли билан ёки механик аэрация ҳисобига оладилар.
- ✓ Суний шароитли биологик тозалаш иншоотлари асосан аэротенклар ва биофильтрлардан иборат.
- ✓ Бундай иншоотларда сувни (биологик) тозалаш тез кечади.

## **Сувни биоген элементлардан тозалаш**

- ✓ Тозаланган чиқит сувларда сезиларли концентрацияда азот ва фосфор бирикмалари мавжуд бўлади.
- ✓ Мазкур моддалар сув ўсимликларини тез ўсишига сабаб бўлади ва кейинчалик эса чириб сув манбасининг иккиласми ифлосланишига олиб келади.
- ✓ Чиқит сувлар биоген элементлардан асосан биологик усуллар ёрдамида тозаланади.

## **Тозаланган сувларни заарсизлантириш**

Сувни заарсизлантириш учун асосан газсимон хлордан, қуввати  $1000 \text{ м}^3/\text{сут}$  гача бўлган станцияларда эса хлор кукунидан фойдаланилади.

# Коммунал хұжалик чиқит сувларини қайта ишлатиш

- ✓ *Коммунал хұжалик чиқит сувларини атроф-мухитга таъсирларни камайтириш* үчун барча ақоли пунктлари замонавий канализация тизимлари ва тозалаш иншоотлари билан жиҳозланиши лозим.
- ✓ Коммұнал хұжалик тозаланаётган чиқит сувларини мәхнат мұхофазаси талабларига түлиқ амал қилған тарзда техник ва ем хашак әқинларини суғоришка ишлатишга тавсия қилиш мүмкін.